

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2022

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





*The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency*

\*\*\*

*According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.*

\*\*\*

*Address:*

*200117, Buxoro city,  
K.Murtazoyev street, 11  
Buxoro State University  
Editorial and publishing  
Department  
Phone: +998 (97) 798-33-75*

**The journal is published 4 times a year**

*Website: [www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)  
E-mail:  
[nashriyot\\_buxdu@buxdu.uz](mailto:nashriyot_buxdu@buxdu.uz)*

*Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011-yil 25-fevral № 05-45-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.*

\*\*\*

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 2013-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

\*\*\*

*Tahririyat manzili:*

*200117, Buxoro shahri,  
K.Murtazoyev ko'chasi, 11-uy  
Buxoro davlat universiteti  
"Tahririyat nashriyot" bo'limi  
Tel: +998 (97) 798-33-75*

**Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.**

*Website:  
[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)  
E-mail:  
[nashriyot\\_buxdu@buxdu.uz](mailto:nashriyot_buxdu@buxdu.uz)*

*Журнал зарегистрирован Бухарским областным управлением агентства печати и информации Республики Узбекистан. Свидетельство № 05-45 от 25.02.2011г.*

\*\*\*

*Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании решения ВАК №201/3 от 26 декабря 2013 года для получения учёной степени доктора психологических наук.*

\*\*\*

*Адрес:*

*город Бухара 200117,  
улица М.Икбала, 11  
Бухарский государственный  
университет  
Редакционный отдел  
тел: +998 (97) 798-33-75*

**Журнал выходит 4 раза в год.**

*Website:  
[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)  
E-mail:  
[nashriyot\\_buxdu@buxdu.uz](mailto:nashriyot_buxdu@buxdu.uz)*

18	<b>Саломатлик ва соғлом психологик ҳаёт</b>	
	<b>Здоровье и здоровая психологическая жизнь</b>	
	<b>Health and healthy psychological life</b>	
19	<b>Имомкулова Фотима Улугбековна</b>	<b>103</b>
	<b>Оилада шахслараро муносабатнинг болалар ўз-ўзини англашига таъсири</b>	
	<b>Влияние межличностных отношений в семье на самосознание детей</b>	
	<b>Influence of interpersonal relations in the family on children's self-consciousness</b>	
20	<b>Исматова Дилафуз Туймуратовна</b>	<b>107</b>
	<b>Научно-практические основы эмоционального выгорания подростков в семейных отношениях</b>	
	<b>Oilaviy munosabatlarda o'smirlarning emotsional kuyishini ilmiy-amaliy asoslari</b>	
	<b>Scientific and practical bases of emotional burnout of adolescents in family relations</b>	
21	<b>Усмонов Шерзод Ахмаджонович</b>	<b>111</b>
	<b>Талабалардаги ақлий қобилиятлар касбий муваффақиятнинг асоси сифатида</b>	
	<b>Умственные способности студентов как основа его профессионального успеха</b>	
	<b>The mental abilities of students as the basis of his professional success</b>	
22	<b>Холмуродова Шохиста</b>	<b>116</b>
	<b>Девиант хулқ-авторнинг социологик ва психологик тадқиқи</b>	
	<b>Социологическое и психологическое исследование девиантного поведения</b>	
	<b>Sotsiologicheskoye i psikhologicheskoye issledovaniye deviantnogo povedeniya</b>	
23	<b>Umarova Navbahor Shokirovna</b>	<b>120</b>
	<b>Aholi iqtisodiy ijtimoiylashganligining motivatsion-qadriyatli tuzilmasi: hududiy va gender tahlil</b>	
	<b>Мотивационно-ценостная структура экономической социализации населения: территориальный и гендерный анализ</b>	
	<b>Motivational-value structure of the economic socialization of the population: territorial and gender analysis</b>	
24	<b>Рўзиев Умар Музафарович</b>	<b>125</b>
	<b>Ўспиринларда ижтимоий фобия ривожланиши билан боғлиқ ҳолатларнинг диагностикаси ва психокоррекцияси</b>	
	<b>Диагностика и психокоррекция состояний, связанных с развитием социальных фобий у подростков</b>	
	<b>Diagnostics and psychocorrection of conditions related to the development of social phobias in adolescents</b>	
25	<b>Касимова Сарвиноз Бахтиёровна</b>	<b>132</b>
	<b>Развитие системы психологической защиты от манипулятивных воздействий в юношеском возрасте</b>	
	<b>O'smirlik davrida manipulyativ ta'sirlardan psixologik himoya tizimini rivojlantrish</b>	
	<b>Development of the system of psychological protection against manipulative influences in youthful age</b>	
26	<b>Қамбаров Мирзобобур Баҳодир ўғли, Элов Зиёдулло Сатторович</b>	<b>137</b>
	<b>Амир Темур давлатида тезкор қидирув фаолияти жараёни ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари</b>	
	<b>Процесс оперативно-поисковой деятельности и его социально-психологическая характеристика в государстве Амира Темура</b>	
	<b>The process of quick search activity and its social-psychological characteristics in the state of Amir Temur</b>	
27	<b>Мўминов Давронжон, Ражабов Муродил</b>	<b>140</b>
	<b>Шахслараро муносабатларда психологик таъсири усуллари таҳлили</b>	
	<b>Анализ методов психологического воздействия в межличностных отношениях</b>	
	<b>Analysis of methods of psychological influence in interpersonal relationships</b>	



Қамбаров Мирзобобур Баҳодир ўғли,  
Бухоро вилояти ИИБ ходими, лейтенант



Элов Зиёдулло Сатторович,  
Бухоро давлат университети  
Тарих ва юридик факультети,  
Психология ва социология кафедраси ўқитувчиси,  
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада Амир Темур давлатидаги маҳфий хизмат ҳолати, ходимларнинг психологик тайёргарлик жараёнига, шунингдек, бугунги ички шилар органлари тезкор қидирув хизмати ходимларининг хизмат фаолияти жараёнидаги руҳий ҳолатига ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** маҳфий хизмат, Амир Темур, руҳий ҳолат, иродавий жараён, мижоз, этник хусусият, психологик тайёргарлик, қонун, шариат қонунлари.

### ПРОЦЕСС ОПЕРАТИВНО-ПОИСКОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ЕГО СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА В ГОСУДАРСТВЕ АМИРА ТЕМУРА

**Аннотация:** В статье рассматривается состояние органов государственной безопасности в государстве Амира Темура, процесс психологической подготовки сотрудников, а также психическое состояние современных оперативных сотрудников службы оперативных расследований внутренних дел и его социально-психологические характеристики.

**Ключевые слова:** спецслужба, Амир Темур, психическое состояние, волевой процесс, клиент, национальный характер, психологическая подготовка, закон, законы шариата.

### THE PROCESS OF QUICK SEARCH ACTIVITY AND ITS SOCIAL-PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS IN THE STATE OF AMIR TEMUR

**Abstract:** The article focuses on the state of the secret service in the state of Amir Temur, the psychological training process of employees, as well as the mental state of today's operatives of the rapid investigation service of internal affairs and its socio-psychological characteristics.

**Key words:** secret service, Amir Temur, mental state, volitional process, client, ethnic character, psychological preparation, law, Sharia laws.

Соҳибқирон яратган маҳфий хизмат – разведка, контрразведка масаласидир. Унинг ҳаётидаги барча сирли воқеалар ана шу маҳфий хизмат билан боғлиқдир.

**Пиримқул ҚОДИРОВ.**

**Кириш:** Бугунги ривожланиш ва ўзгаришлар, амалга оширилаётган барча жараёнлар дунё ва ундаги ижтимоий ҳолатлар, шахс ва унинг психологик тузилишига алоҳида таъсир этмоқда. XXI аср инсоният олдида қатор кашфиётлар ва янгиланишлар билан бирга турли психологик муаммолар ва инқиrozларни ҳам олиб келди.

Ривожланиш жараёни ўз навбатида жиноят олами ва унинг хусусиятларини ҳам тубдан ўзгаришиб, янги жиноят қўринишлари ва номлари луғатларда пайдо бўла бошлади. Албатта, бу жараёнлар барча хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ва уларнинг иш жараёнини тубдан такомиллаштириш лозимлигини кўрсатиб бермоқда. Барча давлатлар ўз хавфсизлиги ва ахолиси тинчлигини таъминлаш мақсадида мавжуд ҳарбий ва ички тузилмаларини ўзгаришиб, такомиллаштириб бормоқда. Негаки, жиноий тўдалар ва уларнинг фаолияти жараёни ўзгариши, унга

қарши курашишда янги билим ва қўникмаларни талаб қила бошлади. Шу асосда, бугун барча ривожланган давлатлар ўз хавфсизлик тизимларида турли янги соҳа ва мутахассисликларни жалб қилиб келишмоқда. Психология соҳаси ҳам бугун хукукни муҳофаза қилувчи органлари тизимида шакланаётган ва ривожланаётган янги тузилма ҳисобланади.

Шахсий таркибининг руҳий тайёргарлиги, бугун жисмоний тайёргарлик билан бирга олиб бориладиган энг асосий жараёндир. Турли тактик ўқув машғулотлари билан бирга психологик машғулотларнинг ҳам олиб борилиши, шахсий таркибининг психологик билимларини ошириб бориш соҳа олдиаги энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугун хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг энг муҳим бўғини бўлган тезкор-қидирав хизмати ва ушбу тизимда хизмат олиб бораётган ходимларнинг психологик ҳолати, жиноятчилик ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашишдаги ишларнинг илк босқичидир.

Тезкор қидирав хизмат тарихи ва унинг ривожланиши юртимизда, Амир Темур ва Темурийлар даврига келиб анча ривожланди ва такомиллашди. Феодал муносабатлар жараёнида шаклланган Темурийлар давлати маҳфий хизматларининг ишлаш тартиби ва тайёргарлик жараёни бугун кенг ўрганилмоқда.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУЛОҲАЗАЛАР:** Амир Темур даври ва у яратган улкан империя, Мовароуннахрда қолаверса бутун дунё тарихида янги бурилиш ясади. Соҳибқирон 1370 йилда Мовароуннахр таҳтини қўлга киритганидан кейин амалга оширган барча ислоҳотлари, марказлашган давлат қуриш йўлидаги интилишларининг натижасидир десак, асло муболага бўлмайди.

Тарих, Амир Темур даврини, барча соҳаларда ривожланган давр сифатида алоҳида кўрсатади. Дарҳақиқат, Амир Темур даври бутун шарқ дунёсида Мўғуллар истилосидан сўнг, қайта уйғониш ва янгиланиш даври десак тўғри бўлади.

Соҳибқирон ўз давлатини тузишда аввало унинг устунларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга давлатнинг маҳфий хизматлари ва уларнинг ишлаш хусусиятини алоҳида белгилаб берди. У “Темур тузуклари”да, - давлат ишларининг 9 улушкини кенгаш ва 1 улушкини қилич кучи билан ҳал қилдим, - деб таъкидлаган эди.

Соҳибқирон замондоши бўлган Ибн Арабшоҳ, Амир Темур давлатининг ушбу хусусияларини холис баҳолаган тарихчи ҳисобланади.

Ўтказилган қатор тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Амир Темур ҳақидаги барча холис ва шу билан бирга аниқ маълумотлар Ибн Арабшоҳ асарлари орқали бизгача етиб келган.

Ибн Арабшоҳ ўз эсдаликларида, “Амир Тумур ўзига қарашли ерларга айғоқчилар юбориб, қолган мулкига жосуслар қўйиб, вазият ҳақида хабардор бўлиб турарди” – деб қайд этганлигини кўришимиз мумкин.

Соҳибқирон қўл остидаги мулозимларини бошқаришда уларнинг психологик ва этник хусусиятларини алоҳида ҳурмат қилганлигини кўришимиз мумкин. Бу орқали у шахс ва унинг ижтимоий психологик хусусиятини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар бир мулозимга ўз шахсий имконияти юзасидан вазифалар берган.

Темур аскарлари орасида, - деб ёзади Ибн Арабшоҳ, - бутпараст турклар, оловга эътиқод қилувчи мажусий ажамлар, коҳинлар, сеҳргарлар, золимлару мункинлар бор эди.

Соҳибқирон ана шундай бағри кенг шахс бўлгани учун унга мусулмон, насроний, бутпараст ва бошқа динга мансуб бўлган шахслар садоқат билан хизмат қилишган.

Амир Темур маҳфий хизмат жалб қилган жосусларининг нафақат жисмоний тайёргарлиги, балки ижтимоий психологик хусусиятлари, кишилар билан муносабатлари, этник хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган. Худудларда хизмат қиласидиган хос ходимлари ушбу талабларга жавоб бериши лозим бўлган.

Соҳибқирон энг аввало бундай гурухларда хизмат қиласидиган шахсларни ўзи шахсан танлаб, унинг барча тайёргарлик жараёнини ўзи назорат қилиб борган. Шу орқали маҳсус хизмат ходимини қачон тайёр бўлишини ва қачон хизмат қила олишини бевосита кузатиб борган.

Ушбу ҳаракати билан Соҳибқирон ўз қўл остидаги мулқда, ҳар қандай ҳолатдан ўз вақтида хабардор бўлиб борган ва юзага келиши эҳтимоли бўлган қонун бузиш ҳолатларини назорат қила олган.

Амир Темур давлатида қонун ва тартиб-интизом алоҳида назорат остида бўлган. Қози калон ва бошқа давлат амалдорлари шариат қонунлари асосида фуқарони қонунларга итоат этишларини назорат қилиб боришган. Ўз навбатида, Амир Темур давлати ўз фуқаросининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаб турган.

Ушбу хусусиятни бугун ривожланган жамиятлар тезкор хизматлари фаолиятида ҳам кўришимиз мумкни. Биргина, Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидиурв фаолияти тўғрисидаги Қонунида ҳам, инсон ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш ушбу хизмат ходимларининг асосий вазифаси этиб белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу вазифани бажариш албатта, тезкор хизмат ходимидан жуда кучли психологик тайёргарликни талаб қиласди. Ушбу жараёнда ходимнинг иродавий хусусияти, жидамлиги, руҳий имконияти жуда муҳимдир.

Соҳа вакилларининг руҳий тайёргарлиги иш жараёнида бўладиган турли фавқулотда ҳолатлар, шу билан бирга кучли руҳий босим ва давомли стресс ҳолатлари хизмат фаолияти самарадорлиги ва натижаларига таъсир қиласди.

Ибн Арабшоҳ ўз эсдаликларида, Соҳибқироннинг маҳфий хизмати ва ундаги ходимларнинг руҳий ҳолатига эътибор қаратилганлигини, ходимнинг мижози, шахсий хусусиятлари руҳий ва жисмоний тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этган.

Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари тезкор хизмат фаолиятида жуда муҳим эканлиги, психологик тадқиқотларда ўз исботини топиб келмоқда. Тезкор хизмат ходимининг иш жараёнида турли ҳолатларга тайёр бўлиши, унда вазиятга тезлик билан баҳо бера олиш қобилияти, ўзини йўқотиб қўймаслик (мувозанатли бўлиши) ва шахслараро муносабатларни тўғри ташкил қила олиши, иш самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган энг асосий жараён ҳисобланади.

**ХУЛОСА:** Тезкор хизмат ходимларининг иш жараёнидаги психологик тайёргарлигини мунтазам амалша ошириб бориш, жиноятчилик ва унга барҳам бериш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Шахсий таркибни психологик тайёргарлиги, ундаги иродавий жараёнлар тизим психологлари олдидаги энг асосий вазифа ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Содиков Ҳ Амир Темур салтанатида ҳавфсизлик хизмати. Тошкент – 2010 .
2. Қодиров П Амир Темур сиймоси. Тошкент – 2007.
3. Марсел Брион. Менким, Соҳибқирон – Жаҳонгир Темур. Тошкент – 2014.
4. ElovZ.S [Ichki ishlar organlari xodimlari orasida suisidal xulq motivasiyasi namoyon etilishining ijtimoiy-psixologik sabablari.](#) THE BEST INNOVATOR IN SCIENCE №1 2022. 583-591.
5. ElovZ.S.Qobiliyatning shaxs psixologiyasidagi o'rni va Danning-Kryuger effekti. PEDAGOGIK MAHORAT 2021 1 (5), 143-144.